УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Д.Р.Раҳматуллаева

Мақолада узлуксиз таълим тизимида тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг касбга йўналтирувчи воситалари тавсифланган.

Калит сўзлар: *тадбиркорлик, узлуксиз таълим, касб таълими, касбга йўналтириш.*

В статье рассматриваются средства профессиональной ориентации учащихся по формированию предпринимательских знаний и умений в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: *предприниматель, система непрерывного образования, профессиональное образование, профессиональная ориентация.*

This article discusses the means of professional orientation of pupils to form entrepreneurial knowledge and skills of pupils in continuous education.

Key words*: entrepreneur, system of continuous education, professional education, vocational guidance, resources.*

Узлуксиз таълим тизимида шахс сифатидаги камолоти замон талабларига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш таълим ислоҳотларида муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда келажагимиз эгаларининг пухта билим олишлари, маълум бир соҳани тўла эгаллашлари ҳамда жамиятда ўз муносиб ўринларига эга бўлиб етишишлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган.

Узлуксиз таълим босқичларидан умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими 7-18 ёшдаги болалар ва ўсмирларни қамраб олиб, касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Шу давр ичида шахс билан олиб борилган касб-ҳунарга йўналтириш ишлари келгусидаги меҳнат фаолияти ёки олий таълим босқичида ўқишни давом эттиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Мактабда касб танлаш бўйича олиб бориладиган ишларнинг асосий вазифаси ёшларда касбларга бўлган қизиқишни шакллантириш, касбий истеъдодларини аниқлашга ёрдам бериш, халқ хўжалигининг жамият эҳтиёж сезган соҳаларида, касбларида ишлашга ҳамма вақт тайёр туришни тарбиялашдан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларини мазмунли ташкил этишда ўқувчи шахсини (ёш хусусиятла-

рини ҳисобга олган ҳолда) меҳнат шароитларига тайёрлаш, касб-ҳунарлар билан таништириш, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатга жалб қилиш, бу борада тизимлаштирилган билимларни шакллантириш, аниқ касб-ҳунарга қизиқишни тарбиялаш мақсад қилинади. Ўқувчиларни тадбиркорлик касблари билан таништиришда қуйидаги ишлар амалга оширилса, юқори самарадорликка эришилади: ишлаб чиқариш корхоналари, сервис хизмат кўрсатиш шахобчаларига саёҳатлар уюштириш, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш, ходимларни бошқариш ҳақидаги кинолардан парчалар, фотосуратлар, интернетдан олинган чет эл бизнесменларининг қўлга киритган ютуқлари ва пул топиш сирлари ҳақида олинган махсус материалларни намойиш қилиш ва ҳ.к.

Таълим муассасаларида касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг мазмуни – ўқувчи шахсини (ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) меҳнат шароитларига тайёрлаш, касб-ҳунарлар билан таништириш, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатга жалб қилиш, бу соҳада тизимлаштирилган билимларни шакллантириш, касблар дунёсида йўналиш ола билиш кўникмаси ва аниқ касб-ҳунарга қизиқиш асосида ҳаёт йўлини онгли танлашига қаратилган тадбирлар ва амаллар мажмуасидан иборат бўлмоғи лозим.

Бугунги бозор муносабатлари шароити ёшларимиз олдига тадбиркорлик малакаларини чуқур ўзлаштириш, мамлакатимиз ва чет эл амалиётидаги тадбиркорликнинг янги тажрибаларини чуқур англаш, бизнес ғоялари ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ва этикасини шакллантириш каби муҳим вазифаларни қўяди.

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодиёт асослари фани доирасида ўқувчиларда тадбиркорлик билимларини шакллантириш, бозор, бозор иктисодиёти, тадбиркорлик ва бизнес каби тушунчалар моҳиятини чуқур англатиш, тадбиркорлик ғояларини сингдириш муҳим ўрин тутади.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш – шахсга иқтисодий билим асослари хусусидаги маълумотларни бериш, уларни хўжалик юритиш ёки муайян ишлаб чиқариш жараёнини оқилона бошқариш, бу борада юзага келувчи муаммоларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этиш, мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, истиқболни кўра олиш, бозорда устувор ўрин тутувчи талаб хусусида етарли даражада маълумот тўплай олиш тажрибаларини ҳосил қилишга йўналтирилган педагогик фаолият туридир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, унинг мазмуни мавжуд ижтимоий-иқтисодий талаб ва эҳтиёж асосида белгиланади. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш икки муҳим омил, яъни назарий ва амалий иқтисодий билимлар негизида рўй беради [1].

Иқтисодчи А.Ўлмасованинг таъкидлашича, “тадбиркорлик деганда, моддий ва пул маблағларини фойда топиш йўлида сарфлаб, бозорга керакли товарлар ва хизматлар етказиб бериб, кишиларга наф келтирувчи, уларнинг ҳожатини чиқарувчи иқтисодий фаолият тушунилади” [2].

“Тадбиркорлик” тушунчаси мулкдан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш эвазига мунтазам даромад, фойда олишга йўналтирилган, фуқароларнинг (жисмоний ва юридик шахсларнинг) ўз мулкий ва юридик масъулияти остида, таваккалчилигида амалга ошириладиган ташаббускор фаолиятини англатади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ва кичик тадбиркорлик субъектлари шахсий ишлаб чиқариш фаолиятларини муваффақиятли ташкил этиш учун тадбиркорлик малакаларининг маълум ҳажмига эга бўлиши зарурдир. Шунинг учун ҳам улар касб-ҳунар таълимининг ажралмас қисми бўлишлари керак.

Кейинги йилларда касб-ҳунар таълимининг турли даражаларида тадбиркорлик малакаларига ўргатиш мазмунини танлаш методикасини такомиллаштириш бўйича жуда кўп тадқиқотлар ўтказилди. Улардан ўқувчиларда тадбиркорлик малакаларининг шаклланиш даражаларини тизимли аниқлаш келиб чиқади. Шунга асосланиб, умумий ўрта мактаб ўқувчиларининг тадбиркорлик ва касб тушунчаларини шакллантиришда ўқув предметлари аро узвийликни таъминлаш лозим. Бу эса мактаб ва коллеж ҳамкорлигини назарда тутишни белгилайди.

Касбга тайёргарлик ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ҳамда ушбу фаолиятнинг бошланғич малакаларини эгаллашни таъминлайди.

Касбий таълимни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичида тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш мазмуни барча мулк шаклидаги ва ходимлар сони турлича бўлган корхоналар учун техник ижрочилар, кичик мутахассислар ва бошқарув аппарати ходимларини тайёрлашни таъминлашга имкон беради. Шунингдек, аниқ соҳаларда тадбиркорлик фаолиятининг айрим вазифаларини бажаришда нисбатан тор ихтисосликни таъминлайди. Тадбиркорликдан бошқа ихтисосликлар (анъанавий) ва касбларни ўрганувчи ёшларни тайёрлаш мазмуни уларнинг тегишли соҳада якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш имконини таъминлайди.

Касбий таълимнинг олий таълим босқичидаги тадбиркорлик фаолиятига тайёрлаш мазмуни тадбиркорлик фаолияти соҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни таъминлайди.

Касб-ҳунар таълимининг барча босқичларида тайёрланадиган мутахассисликларнинг катта қисми ўқув мазмунига биноан чет тилини, ҳисоб-китобни олиб бориш тажрибасини ҳамда тадбиркорлик фаолиятидаги турли хил муаммоларни ечишни талаб қилади.

К.Г.Кязимовнинг фикрига кўра, касб таълимининг мазмуни ўзида қуйидаги элементларни акс эттиради (техник ихтисосликдаги касблар учун) [3]:

1. Техник билимлар тизими, бунга қуйидагилар киради: асосий тушунчалар, қонунлар, назариялар, техник, технологик, иқтисодий атамалар ва тушунчалар, материаллар, техник қурилмалар, техник жараёнлар тўғрисида маълумотлар.

2. Негизида умуммеҳнат, умумкасбий ва махсус малакалар ҳамда кўникмалар шаклланадиган фаолият усуллари тўғрисидаги маълумотлар.

3. Ижодий ишлаб чиқариш фаолияти тажрибаси тўғрисида маълумот.

4. Ахлоқий нормалар, шахсий муносабатлар шаклланадиган ижтимоий тажриба тўғрисида, ҳулқ ва ахлоқий талабларнинг меъёрлари ҳақида ахборот.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан ишчи кучига бўлган талаб янада ортди, айниқса, савдо ва хизмат кўрсатиш, кредит, кредит-молия хизмати соҳаларида. Айни пайтда, таназзул шароитида фақат омон қолибгина эмас, балки етарлича ривожланган ҳам соҳаларда иш берувчилар томонидан малакаларга бўлган талаблар ўзгармоқда. Шу билан бирга талаблар тузилмаси тенглашмоқда. Бундай ўзгаришларнинг натижаси сифатида касб-ҳунар таълими бугун ривожланишнинг бошқа замонавий усулларини қабул қилмоқда. Бу усулларнинг асосий вазифаси меҳнат бозорининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда иш берувчилар талаб этадиган эҳтиёжни қаноатлантириш бўлади. Бунинг учун эса талаб конъюктурасининг ўзгаришини билиш ва мунтазам кузатиб бориш, иш берувчиларнинг касбий малакаларга ва ходимларнинг малака даражасига бўлган янги талабларини аниқлаш, меҳнат бозори сиғимини ҳисобга олиш зарур.

Касбга йўналтиришнинг назарий ёндашувлари (К.Г.Кязимов, Ш.Назруллаев, Ж.Пўлатов ва б.)ни, янги методлари ва амалий тажрибасини таҳлил қилиш унинг илмий, ижтимоий-педагогик асосларини шакллантиришга ва аҳолини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмини ишлаб чиқишга имкон беради [4,5].

Касбга йўналтиришни жамият ёшларининг касбий қарор топишида табиий истеъдодларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инсонга эҳтиёж ва имкониятларини, меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда касбий ўзини белгилаш ва энг мақбул касб турини танлашда кўмак беришнинг махсус чоралар мажмуини ишлаб чиқишда намоён бўладиган умуминсоний маданиятнинг ажралмас ва таянч компоненти сифатида қабул қиламиз.

Касбга йўналтиришни амалга ошириш бозор шароитларида ўзини намоён қилиш йўлларини ўргатиш, ўқувчиларнинг ўз касбий қизиқишлари, психофизиологик хусусиятлари ва меҳнат бозори имкониятларини ҳисобга олган ҳолда касбни эркин танлаши, меҳнатдан қониқиш ва ижтимоий мақомнинг муҳим шарти сифатида касбий маҳоратининг узлуксиз ўсишига кўмак бериш, юқори фаровонликка эришишнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш каби мақсадларга қаратилгандир.

Тўғри танланган касб инсоннинг ўзига хос эҳтиёж ва интилишларини қаноатлантириш, индивидуал ривожланиши, шахсий имкониятларининг амалга оширилишини таъминлаш имконини беради. Бундай эҳтиёжлар, интилишлар, имкониятлар қандай бўлиши шахснинг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, касб қай даражада тўғри танлангани, касбнинг талаблари ва шахснинг хусусиятлари орасидаги мувофиқлик даражаси билан белгиланади.

Тадбиркорлик касбини муваффақиятли эгаллашнинг асосини салоҳият ташкил этади, яъни ахборотларни тез ва хатосиз эслаб қолиш, унинг мустаҳкам сақланиб қолиниши, муваффақиятли қайта тикланиши ва қўлланишини таъминлайди.

Юқори салоҳият тадбиркорлик соҳасида муваффақиятли фаолият юритиш учун асос яратади, чунки у қуйидагиларни талаб қилади:

- кенг маънода фикрлаш: турли билим соҳаларида эркин муомала қилишни;
- турли хил ахборотлардан тўғри фойдаланишни;
- мураккаб, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган вазиятларда юз берадиган муаммоларнинг тез ечимини топишни;
- танланган ишга иштиёқ, ўз касбини яхши кўришни;
- шу соҳадаги ахборотларни эслаб қолиш, алмаштириш ва қайта тиклашни;
- зеҳннинг ўткирлиги (масалан, молиявий фаолиятда зарур бўладиган), ижодий тафаккур ва бошқалар.

Мазкур сифатларнинг бир нечтасига эга инсонлар малакали ақлий меҳнат қилишга қодирдирлар (хусусан, бошқарувчилик ва тадқиқотчилик).

Тадбиркорлик касбларига яроқлиликка, шунингдек, шахснинг шахслараро муносабатлар соҳаси-

га тегишли барқарор индивидуал сифатлари ҳам таъсир қилади. Тадбиркорнинг касб фаолияти учун кўнгилчанлик ва толерантликнинг аҳамиятига ҳам эътибор бериш лозим. Юқори даражада толерантлик бошқа одамлар билан зиддиятсиз ўзаро муносабатлар ўрнатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот ишимиз бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашни эрта бошлаш мақсадга мувофиқдирки, бу касб таълимининг турли босқичларида мақсадга йўналтирилганликни таъминлашга, тайёргарликни ҳақиқий фаолият соҳасига яқинлаштиришга, шунингдек, юқори даражада амалий тайёргарликни таъминлашга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Рахматуллаева Д. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш // Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда инновацион технологияларни татбиқ қилиш масалалари. ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ.- Т., 2014.- Б.230-231.

2. Ўлмасова А. Иқтисодиёт асослари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 2010.

3. Кязимов К.Г. Безработица и пути повышения качества рабочей силы на рынке труда. – М., 2001.

4. Назруллаев Ш. Внеклассная и внешкольная работа по профориентации учащихся.- Т.: Фан, 1998.

5. Пўлатов Ж. Умумтаълим мактаб ўқувчиларини касб-ҳунар коллежларига касбга йўналтиришда компонентлар интеграцияси // Мактаб ва ҳаёт.- Т., 2009.- №2.- Б.83-85.

ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ,
2017 йил 6 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ашурова)